

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ

Насиба Юнусова - ТДТУ

Ҳозирги замон шахсининг қизиқишлари асосан ташқи муҳитга қаратилган ва бунинг асосий элементини оммавий ва назоратсиз истеъмол қилиш ташкил этади. Бу эса “оммавий маданиянинг” энг хунук намуналаридан биридир. Фарбада омма ҳақиқий маданият даражасига кўтарилиши ўрнига, “маданиятнинг” ўзи аҳолининг қоқоқ қатламлари дидига мослашиб, чинакам тарбияли кишини хижолатда қолдирувчи даражада тубанлашиб, соддалашиб ва ўзгариб бормоқда “оммавий маданият” индустрияси инсонни дастурга бўйсинувчи роботга айлантормоқда.

XX асрнинг бошларида Н.А.Бердяев оммавий маданият пайдо бўлишини олдиндан кўриб, аксарият жамиятнинг маънавий-маданий эҳтиёжларининг пасайишини башорат қилди: “реалликда яшаш қийин. Бунинг учун мустақил руҳий фаолият, мустақил тажриба, мустақил фикр талаб қилинади. Уйдирмалар, гаплар ва нарсалар қобиғида яшаш осонроқ. Аксарият инсонлар бошқалар ишлаб чиққан сўзлар ва тушунчаларга ишонади, вампирларча ўзгалар тажрибасига таяниб яшайди.

Оммавий маданият таъсирида шаклланган инсон индивидуал-лаштирилган гедонизм ҳузур-ҳаловатга интилиш қадриятларига таянувчи ахлоқ, ҳуқуқ, норма ва нормадан оғиш тушунчаларининг янги талқинига мувофиқ яшайди. Ўз истакларига эрк бериш, ҳузур-ҳаловат ва истеъмолни олий даражада амалга оширишга интилиш бу маданиятнинг императиви ва унинг вакилларининг ўзига хос ақидасига айланмоқда.

Х.Ортега-и-Гассетни фикрича, “оммавий маданият” тантана қилган шароитда “омма одами” антропологиясига салбий баҳо беришга мажбур қилади. Гап “Европа халқлари ва маданиятларининг энг жиддий инқирози” ҳақида кетмоқда. Бунда тантиқ бола психологияси ўз бурч-мажбуриятларига бўйсунолмаслик билан бирга “истеъмолчи”нинг ўзига хос хулқ-атворини белгилайди, яъни моддий неъматлар ва қадриятларга истеъмолчи нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш билан боғлиқ “ўйноқи” хулқ-атвор, масъулиятдан бўйин товлашда ифодаланади.

Шахс ижтимоийлашиши жараёнларига оммавий маданият таъсирининг асосий хавфи мазкур маданият доирасида шаклланган инсонда оммавий ахборот воситалари таъсирида танқидий фикр юритиш қобилияти йўқолиб боришидан иборатдир. Бу ҳодиса келажакда “интеллектуал мулкка” эгаллик қилиш жиҳатидан китобхонлардан иборат камчилик ва “томоша” қилувчилар оммасига бўлинган янги синфлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, одат бўлиб қолган ўхшашликлар ва бир хил турмуш тарз-ларига ҳозирги давр

якун ясайди. Ҳозирги замон одами кўп сонли ўхшашликларга таяниб, уларни ниқоблар ёки ўйналадиган роллар сифатида қабул қилади, аслида улар озод қилинган “Мен”нинг ўзини ўзи намоён этиш усуллари экан холос.

“Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди, бундай таҳдидларга жавобан, биз ҳам, содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Телеэкранларимизни эгаллаб олган беъмани реклама роликларини ярим яланғоч хонандалар, фаст-фуд ва йиртиқ-ямоқ жинси шимлар ҳали оммавий маданият дегани эмас, булар улкан ва қудратли “машина”нинг кичик эҳтиёт қисмлари, глобал миқёсдаги ҳаракатнинг энг беозор кўринишлари холос. У бизнинг руҳимизда, нутқимиз ва фикрлаш тарзимизда, эгнимиздаги кийимлар ва фарзандларимиз тарбиясида, одамларга бўлган муносабатимизда ўз аксини топмоқда, негаки ўзимиз бунга имкон яратиб беряпмиз. Шу ўринда бизни ҳар қадамда таъқиб этаётган оммавий маданият туфайли нафақат миллий маданиятимиз, балки умуминсоний қадриятлар, меҳр-оқибат, виждон, ор-номус каби юксак ахлоқий тушунчалардан ҳам йироқлашиб бораётганимизни тан олишга тўғри келади. Бугун камдан-кам ҳоллардагина ўзаро маданият, адабиёт ёки илм-фан соҳасидаги сўнгги ютуқлар ҳақида суҳбатлашаётган одамларни учратамиз. Оммавий ахборот воситалари, кинематограф ва рекламалардаги тинимсиз тарғибот оқибатида кишилар «замонавийлик» талвасасига тушиб қолишган. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бугунга келиб, жаҳон ахборот майдонининг 90 фоизини эгаллаб олган “оммавий маданият”нинг асосий тарқатувчиси назоратдан деярли ҳоли бўлган тизгинсиз интернет тармоғи ҳисобланади.

Ижтимоий тармоқлар, янгиликлар, сериаллар, ток-шоулар, тинимсиз қўнғироклар ва эсэмэс хабарлари, компьютер ўйинлари ҳамда интернетдаги чексиз ахборот туфайли сўнгги ўн йиллик ичида оммавий маданиятнинг яна бир ўзига хос тури – экран маданияти вужудга келди. У компьютер ва видеотехника уйғунлиги асосида шаклланган бўлиб, видеотелефонлар, электрон банклар ҳамда Интернет деярли ҳамма зарурий ахборотни компьютер экранларида кўрсатиш, шахсий “электрон ҳисоблагич”ларни қудратли мулоқот воситасига айлантириш имконини беради. Оқибатда, бевосита мулоқот ҳамда китоблар мутолааси иккинчи, учинчи ҳатто тўртинчи даражага тушиб қолиши ҳеч гапмас. Негаки монитор ўзгача фикрлаш тарзини юзага келтиради, бу ердаги мулоқот тезкорлик, қисқалик ва ҳозиржавобликни талаб этади.

Кичик ёшдаги болалар кимдан ўрнак олаётгани, уларнинг идеаллари ким эканлиги билан қизиқиб кўрганмисиз? Таассуфки, бугун бу идеаллар - ота-она эмас, деган фикрга бормоқдамиз. Чунки болалар ҳақиқий ҳаётдан бутунлай фарқ қилувчи, ўзига хос телевизион “ҳаёт” таъсирида улғаймоқда, улар севиб томоша

қиладиган фильм ва мультфильм қахрамонлари, эстрада юлдузлари, кўрсатув бошловчилари на ташқи кўриниши ва на табиати билан ота-оналарни эслатади.

Фильм қахрамонлари сифатида аксарият ҳолларда агрессив, тажовузкор, исталган вақтда душманининг пешонасидан “дарча” очиб қўйишга тайёр образлар танланади. Р.Барт, Э.Бентли, Н.Кондратова сингари ўнлаб таниқли психиатрлар тажрибасидан аён бўлмоқдаки, ваҳшийлик, зўравонлик ва умуман инсонларга хос иллатларни экранга олиб чиқиш одамни жазавага тушириш ва аламзадаликни қўзғатишга хизмат қилади. Телеэкран орқали намойиш этилаётган қотиллик саҳналари ҳаётдан олинмайди, аксинча ана шу қотилликларни кўриб вояга етаётган болалар кейинчалик фильм воқеаларини реалликка айлантиради. Мазкур факт психологиянинг етакчи мутахассислари томонидан исботланган.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Шарқий Европада «Гот» деб ном олган оқим пайдо бўлган эди. Гуруҳ аъзоларининг деярли юз фоизи христиан динида бўлиб, улар бу оқимга аъзо бўлгач, ўз динларидан воз кечардилар. Чунки «гот»ларнинг эътиқоди умуман бошқача бўлиб, улар қуйидаги ғояга эргашардилар: «Инсонларнинг ҳаммаси гуноҳкордирлар. Шунинг учун ҳам, вафот этгач, ҳаммамиз, албатта, жаҳаннамга тушамиз. Дўзахнинг ҳокими эса Иблисдир. Агар биз бу дунёда шайтонга хизмат қилсак, нариги дунёда, жаҳаннамда у бизга енгиллик беради». Улар бошқалардан ажралиб туриш, тўғрироғи, шайтонга хизмат қилаётганларини англатиш мақсадида, асосан, чарм маҳсулотидан тайёрланган, қора рангли кийимлар кийиб юришни, сочларини, тирноқларини ва ҳатто қош-қовоқларини ҳам қоп-қора рангга бўяб юришни одат қилишди. 70-80 йилларга келиб, «Гот» гуруҳларига исроиллик мультимиллионер Жозе Ави ҳомийлик қила бошлади ва уларнинг сафини кенгайтириш мақсадида, гуруҳ вакиллариининг имейджи — кийим-кечаклари, соч турмаклари ва юзларининг киёфасини, одатларини дунёга оммалаштира бошлади.

Хуллас, «гот»ларнинг бизга олиб келган «мода»лари қуйидагича:

1. Тор шим кийиш.
2. Тирноқларни, қош-қовоқларни қоп-қора рангга бўяб юриш.
3. Қизларнинг сочларини калта қилиб кесишлари (каре) ва қора рангга бўяб юришлари.
4. «Рок» муסיқаларни тинглаш.

Бугунга келиб «рок» муסיқалари бутун дунёда хит даражасига кўтарилди. Ғарбда «Рок қироллари» деб ном олган, асл мақсади оммавий маданиятни тарғиб қилишдан иборат бир қанча рок-н-ролчилар пайдо бўлди. Буларнинг энг йириклари: «Ramsstein», «The Rasmus», «Chimical Brothers».

Бизда ҳам айрим ёшлар ўзлари тушунмаган ҳолда бир неча рок-гурӯҳлари тузган эдилар. Хайриятки, бунақа бемаъниликни одамларимиз, ёшларимиз қабул қилмади, бу мусиқа йўналиши бизда унчалик ҳам урф бўлмади.

Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, 15 дақиқа узлуксиз рок мусиқа тинглаган тингловчининг танасида, миясида салбий ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар, 72 соат — уч кун ичидагина мўътадиллашиши мумкин, яъни организмнинг ўзига келиб олиши учун 72 соат вақт керак.

Бугун барчамизни жиддий хавотирга солаётган глобал муаммолар талайгина. Экологик, ижтимоий, иқтисодий, терроризм ва трансмиллий жиноятларга қарши курашиш жаҳон ҳамжамиятини янада уйғоқ ва зийраклик билан иш юритишга ундамоқда. Айниқса глобал муаммолардан ҳисобланмиш мафкуравий хуружлар, "оммавий маданият" инсон руҳиятига, унинг маънавиятига салбий таъсир ўтказиши билан ғоятда хатарлидир. Шунинг ҳам айтиш жоизки, ушбу муаммоларни келтириб чиқараётган моддий ва маънавий зарарлар миқдорини ўлчаш мумкин, аммо мафкуравий хуружлар, "оммавий маданият"нинг жамиятга етказиб қолган зиёнини ўлчаб бўлармикан...

Албатта, Ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёти-ю санъатининг илғор жиҳатларини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ европалик тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи "ғарбнинг муаммоси" сифатида баҳолаётган "оммавий маданият"нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини бизнинг ёшлар қанча тез англасса, шунча яхши. Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу ҳақда шундай дейилади: "Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бугун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда".

Тўғри, биз демократия даврида яшаймиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ҳамда жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса энг аввало реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар талаблари қатъий бажарилиши керак. Бу борада биринчи навбатда реклама буюртмачилари, оммавий ахборот воситалари давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигига путур етказмаслиги, ёшларимиз маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги лозим. Аммо, афсуски, бундай ҳолатлар ҳамон учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ўз асарида ёшларни фақат огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этади. Хусусан, давлатимиз биринчи раҳбари "Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ

нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак", дея таъкидлайди.

Шу ўринда "оммавий маданият" ибораси маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг миқёсда тушунишимиз лозим. Огоҳлик айниқса ёшларимиз руҳиятини, ақл-идрокини, умуман маънавиятини диний ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик хатарларидан асрашдан ташқари, айти пайтда жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошқора ва хуфия курашлар хатаридан, шу жумладан "оммавий маданият"нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилиш демакдир. "Оммавий маданият" ибораси Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланган. Ғарбда "популяр" ёки қисқартирилган ҳолда "поп-культура" деб аталади. Ғарчи "маданият" дейилсада, аслида туб мазмун-маъноси, мақсад-ниятига кўра, "поп-арт"чилар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни, маънавий дунёни эмас, балки маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайди ва уларни кенг оммалаштиришга интилади. Дарҳақиқат, кимки "оммавий маданият" ортидан эргашса, ўзининг ижодий қобилятидан йироқлашади ва тайёр маданий маҳсулотлар "истеъмолчиси"га айланади. Ўз-ўзидан равшанки, "оммавий маданият" асосан ҳаётий тажрибаси кам ёшларни оҳанрабодек ўзига тортади.

Демак, "оммавий маданият"нинг турли иллатларига қарши чоратадбирларни амалга ошириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигини давр тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда қабул қилинган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ёшларни маънавиятимиз, соғлом турмуш тарзига ёт ғоялар, айниқса "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолишдан асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз биринчи раҳбари таъкидлаганидек, "...ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимиз, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур".

Истеъмолчилар жамияти шакллантирадиган "янги одамнинг" назарий тасвири манбасини Ф.Нитше асарларидан топиш мумкин. Ф.Нитше фикрича, ахлоқийлик мажбуриятни келтириб чиқаради. Кейинчалик у одатга айланади, ундан сўнг эса у ихтиёрий итоаткорликка ва ниҳоят, табиий майлга айланади. У "охирги одамнинг" қуйидаги сифатларини кўрсатади: гедонистик ахлоқ, инструментал-хайрихоҳлик, ичида эса бегоналашувга асосланган ва яқин-ларига бўлган муносабат (яъни, теран ижтимоий алоқаларнинг йўқолиши), ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан истеъмолчиларча муносабат ("жуда серташвишли

иш”), онгни стимуляция (рағбатлантириш, кучайтириш) қилиш одати (“оз-моз захарлаш”), маънавий-ахлоқий нигилизм (маънавият, ахлоқни инкор этиш, “шахсиятга тегиш ва мазах қилиш”), тўғри хулқ-атвордан оғиш (“кундузи нафси тиймаслик, тунда гуноҳлар қилиш”). Бундай талқиндаги Ф. Нитшенинг “охирги одами” ҳозирги даврда тан олинган “истеъмолчи” тушунчасига айнан тўғри келади. В.Зомбарт ва Т.Вебленлар белгилаган инфантиллик (одамда ёш болаларга хос руҳий ҳолатларнинг сақланиши), хулқ-атвор билан боғлиқ ҳаракатларининг рационал шаклларида кўра кўпроқ импульсив (беихтиёр) шаклларида фойдаланиш, таъсирчанлик ва аниқ-равшан дунёқарашга эга бўлмаслик каби психологик хусусиятлар, истеъмолчилар жамиятида шаклланивчи “янги одам” хусусиятлари билан ҳамоҳангдир.

Демак, ҳукуматимиз жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг муҳим вазифаларини белгилаб берар экан, бунда марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг куйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказишни белгилаб олди. “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

REFERENCES

1. Бодрийяр Ж. Система вещей. – Москва, 1995. – С.136-143.
2. Новейший философский словарь /В.А.Кондрашов, Д.А.Чекалов, В.Н.Копорулина – Изд.2-е – Ростов-н/Д: Феникс, 2006. –С.374.
3. Jamila Matkarimova , Nasiba Yunusova. Non-Government Non-Profit Sector Is An Important Power For The Global Economy. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 7 | 2022. -1842- 1845, 2022-yil. <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/26>
4. , Nasiba Yunusova .THE CHARACTERISTICS OF CHIERRORISM. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. -21-24, 2022-yil. 10.5958/2249-7315.2022.00407.5
5. Юнусова Насиба ШарифовнаЯхяева Муслимахон МОЛОДЕЖЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ СРЕДА. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 10 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite. -372-376, 2022-yil. 375 October, 2022 https://t.me/ares_uz
6. Юнусова Насиба Шарифовна,Гулматова Зироат Манаповна .MILLIY MA’NAVIY MADANIYAT TIZIMIDA XALQ TA’LIM-TARBIYASI VA MA’RIFIY IZLANISHLAR. PEDAGOG, 1(2), 64-68.. -64-68, 2022-yil. www.bestpublication.org
7. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ

- ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). Современное образование (Узбекистан
8. Yunusova, Nasiba Saparbayevna; Nazarova, Nilufar Juraevna .USE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES TO ENSURE THE EFFICIENCY OF PEDAGOGICAL ACTIVITY FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES: a collection scientific works of the International scientific conference (14 June, 2022). ISSUE 10 – 465 p.. -466-469, 2022-yil.
 9. N.Sh Yunusova., O‘.K. Erniyozov. Demokratlashtirish va ma‘naviyatni tadqiq qilishning nazariy asoslari. СамДУ , Илмий ахборотнома . -56-60 , 2021-yil.
 10. Раматов, Ж. С., Эрниёзов, У. К., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). САНЪАТНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. World scientific research journal, 9(2), 65-70.
 11. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Хасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 1226-1235.
 12. Ж. С. Раматов, & М. Хасанов (2022). ШАХС ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИЛМНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (7), 35-39.
 13. Ф. А. Кушаков, М. Н. Хасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, & С. Ҳ. Султанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. Academic research in educational sciences, 3 (10), 803-810.
 14. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). Современное образование (Узбекистан), (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2
 15. Yunusova Nasiba Sharifovna. (2021). Mass Culture and Informational-Psychological Security in The Modern Process. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 9, 68–72. Retrieved from <https://literature.academicjournal.io/index.php/literature/article/view/86>
 16. М.Н.Хасанов, А.А.Азимбаев, Ҳалилов Ў., & Каримов Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ . JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS, 4(3), 147–153. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/629>
 17. Ж. С. Раматов, & М. Хасанов (2022). МАҲКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 952-956.

18. Раматов, Ж.С., Ҳасанов, М.Н., & Жуманиёзова, Н.С. (2022). ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 866-874.
19. Насиба Шарифовна Юнусова, & Муслимахон Яхяева (2022). МОЛОДЕЖЬ И ИНФОРМАЦИОННАЯ СРЕДА. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 372-376.
20. Н. Ш. Юнусова (2022). ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 339-341.
21. Юнусова Насиба Шарифовна, Назарова Нилуфар Жўраевна, & Жуманиязова Насиба Сапарбоевна (2022). ПЕДАГОГЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА). *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (115)), 9-16. doi: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_6_2
22. Н. Ш. Юнусова, Жавлон Алимухаммедов, & Мухаммад Суяров (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ДИН ВА АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 222-226.